

КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИКНИ ТАЬМИНЛАШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Неъматов Диёрбек Неъматович

ИИВ Академияси курсанти

Аннотация: Ушбу мақола Кибержиноятларни олдини олиш ва киберхавфсизликни таьминлашда хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ҳақида.

Аннотация: В статье речь идет о сотрудничестве с зарубежными странами в области предотвращения киберпреступности и обеспечения кибербезопасности.

Abstract : The article discusses cooperation with foreign countries in the field of preventing cybercrime and ensuring cybersecurity.

Калит сўзлар: Кибержиноят, осон кириш тизими, кичик майдонда маълумотларни сақлаш, далилларни йўқотиш, ахборот хавфсизлиги, таҳдид хорижий давлатлар, ҳамкорлик.

Ключевые слова: Киберпреступность, система легкого доступа, хранение данных на небольшой площади, потеря доказательств, информационная безопасность, угроза, зарубежные страны, сотрудничество.

Key words: Cybercrime, easy access system, data storage in a small area, loss of evidence, information security, threat, foreign countries, cooperation.

2000-йил 22-июнь куни “Катта Саккизлик” мамлакатлари раҳбарлари саммитида қабул қилинган “Глобал ахборот жамиятининг Окинава харитаси” халқаро хамжамиятининг келажакдаги ривожланиш моделини аниқ белгилаб, “ахборот комуникация технологиялари 21-аср жамияти жамияти шаклланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири” эканлиги таъвидланди.

Дарҳақиқат, илмий-техник таракқиёт нафақат турли хил тарихларга, маданиятларга ва ривожланиш даражаларига эга халқларнинг яқинлашишига, балки жиноятлар учун чегаралар йўқолишига олиб келган глобаллашув жараёнини

тезлаштириди. Натижада жиноятлар уларнинг аниқланиши ва олдини олиш жараёнини мураккаблаштирган трансмиллийлик хусусиятига эга бўлди. Натижада, гиёхванд моддалар савдоси ва трансмиллий уюшган жиноятчилик каби глобал таҳдидлар билан бир қаторда, кибержиноятчиликка қарши кураш муаммолари халқаро келишувларни ишлаб чиқиши орқали глобал члораларни қабул қилишни талаб этди.

БМТ НЖҚКБ томонидан ўтказилган тадқиқот¹ шуни кўрсатадики, турли мамлакатларнинг ваколатли органлари ўз амалиётида кибержиноятларнинг 50-100 фоизи “трансмиллий элемент” билан боғлиқлигини мълум қилишди. Европа, Осиё ва Океанияда трансмиллий кибержиноятларнинг нисбатан юқори улуши мавжуд. Африка, Америка мамлакатларида бу кўрсаткич пастрок.

Шу муносабат билан, глобаллашув ва рақамлаштиришнинг ушбу даврида халқаро ҳамкорликсиз, айниқса, кибержиноятларни самарали олдини олиш имконсизdir.

Мамлакатларнинг ваколатли органлари ўртасида самарали ҳамкорликни шаклантириш бўйича тавсиялар ва талаблар халқаро шартноаларда ҳам, бир қатор давлатлар миллий қонунчилигининг қоидаларида ҳам белгиланади.

Жиноятчиликка қарши курашиш принциплари куч ишлатишни тақиқлаш ва куч ишлатиш таҳдидлари, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, ички ишларга аралашмаслик, халқаро ҳамкорлик, давлатларнинг суверен тенглиги ва давлатлар томонидан БМТ низомида ва дўстона муносабатларга ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликка оид халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларациясида мустаҳкамланган мажбуриятларни содиклик билан бажариш халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун асос ҳисобланади.

¹ БМТ НЖҚКБ. Кибержиноятлар бўйича очик хукуматлараро эксперталар групху учун ҳисобот лойихаси. “Кибержиноятчилик муаммосини хар томонлама тадқиқ қилиш”. – 2013-й, 204-бет

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 592-моддаси, Шунингдек, жиноий иш юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга оширишда ўзаро келишув тамойилини ҳам кўзда тутади.

Трансмиллий жиноятларга, шу жумладан, кибержиноятларга қарши кураш соҳасидаги кенг қамровли ва универсал ҳужжатлардан бири – БМТнинг 2000-йил 15-ноябрда қабул қилинган **Трансмиллий уюшган жиноятчиликка карши конвенсияси**(Палермо Конвенсияси).

Ушбу Конвенсияга мувофиқ “Иштирок этувчи давлатлар ушбу Конвенсияда кўзда тутилган жиноятларга қарши кураш бўйича ҳукуқни муҳофаза қилиш чораларининг самарадорлигини ошириш учун ўзларининг ички ҳукуқий ва маъмзрий тизимларига мувофиқ равишда бир-бири билан яқиндан ҳамкорлик қилишади”. Ҳар бир иштирокчи давлат, хусусан, қуидагиларга қаратилган самарали чораларни кўради:

- а) бундай жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларнинг шахси, жойлашган ўрни ва фаолиятини ёки бошқа дахлдор шахсларнинг жойлашаган ўрни;
- б) бундай жиноятлардан ёки бундай жиноятлар натижажисидаолинган мол-мулқдан олинган даромадлар ҳаракати;
- д) бундай жиноятлар содир этишда фойдаланилган ёки ишлатилиши мўлжалланган мулқ, асбоб-ускуналар ёки бошқа воситаларнинг ҳаракатланиши.

Бу факт шуни англатадики, норасмий ҳамкорлик, кибержиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, электрон далиллар ва хизмат кўрса тувчи провайдернинг мавжудлигини аниқлаш учун очик манбаларда зарур маълумотларни қидириш, маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун сўров юбориш, Шунингдек, хизмат кўрсатувчи провайдерга тўғридантўғри сўровларни ўз ичига киритиш керак.

Ўз навбатида, шуни таъкидлаш муҳимки, хизмат кўрсатувчи провайдерлар шошилинч сўровга жавобни, асосан, бундай маълумотларнинг очилиши ўлим ёки

танага жиддий зиён етказиш хавфи билан боғлиқ бўлган ҳолат ларда жўнатади, Шунингдек, агар провайдер дарҳол жавоб бермаса бундай зарар етказилиши мумкин деб ҳисобласа. Шу муносабат билан, бундай сўровни тузишда ва юборишда зарурий маълумотлар билан боғлиқ сабабни ва жиддий зарар етказилиш эҳтимолини аниқ кўрсатиш тавсия этилади.

Шундай қилиб, Facebook сайтининг “Фавқулодда сўровлар” бўлимида ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари учун берилган маълумотларга кўра, болага бевосита хавф туғдириш, ўлим хавфи ёки танага жиддий зарар етказиш каби маълумотларни зудлик билан очишни талаб қиласидан ҳолатларда ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳукуқни ҳимоя қилиш органлари учун онлайн тизими орқали сўров юборишлари мумкин.²³

Хизмат кўрсатувчи провайдерлар, Шунингдек, сўралган электрон далилларни тўғридантўғри сўров орқали ихтиёрий равишда ошкор қилиши мумкин, башарти:

- фойдаланувчи розилиги олинса;
- фойдаланувчи вафот этган ва унинг яқин қариндошлари розилиги олинган ва сўралаётган давлат судининг маълумот тақдим этиш тўғрисида тегишли қарори қабул қилинса;
- хорижий ҳукуқни муҳофаза қилиш органи, прокуратура ёки суд органининг ходими хизмат кўрсатувчи провайдерга абонент ҳақида асосий маълумот ларни тақдим этиш тўғрисида тўғридантўғри сўров юборилса².

Бошқа барча ҳолатларда, электрон далилларни фақат расмий ЎҲЁС юбориш орқали олиш мумкин.

Расмий ҳамкорлик бошқа давлатга жиноий ишни тергов қилишни осонлаштирадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишни сўраб расмий ўзаро ҳукукий ёрдам тўғрисида сўров (ЎҲЁС) юбориш орқали амалга оширилади.

² Чегаралар бўйлаб электрон далилларни сўраш бўйича амалий кўлланма. БМТ НЖККБ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризмга қарши кураш қўмитасининг ижроия директорати ва Халқаро прокурорлар ассоциацияси.

Ушбу жараёнда икки томон иштирок этади: сўраётган давлат (электрон далиллар юзасидан ЎҲЁСни юборувчи томон) ва сўралаётган давлат (ЎҲЁСни бажариш ва электрон ҳужжатларни тақдим этиш учун уни қабул қилган томон).

Ўзбекистон Республикаси Жиноятпроцессуал кодексининг 592моддасига биноан, процессуал ҳаракатларни хорижий давлат худудида бажариш зарур бўлганда суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи мазкур ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан бажарилиши тўғри сида сўров киритади.

Сўров жўнатилган томоннинг ижро этувчи марказий органи билан тўғридантўғри алоқани ўрнатиш сўровнинг устуворлигини юксалтириш имкониятини оширади, чунки кириш сўровлари кўпайиб кетса, улар одатдаги тартибда кўриб чиқилади.

Зарурат туғилганида, қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш орқали сўровни тезлаштиришга ёрдам берилади.

Марказий ҳокимият органлари билан тўғридантўғри алоқа ҳамкорликнинг норасмий каналлари орқали ўрнатилиши мумкин. Агар ваколатли орган ўзаро норасмий шаклдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаса ва тақдим этилган сўровнинг тахмин қилинган ижроиси тўғрисида маълумотга эга бўлмаса, юборилган томоннинг ваколатли ходимининг бевосита алоқаларини кўрсатган ҳолда тақдим этилган ҳужжатларни олганлигини тасдиқлаш учун маҳсус шакл ЎҲЁСга илова қилиниши керак.

Сўровнинг ижросини сўралаётган давлатнинг ваколатли органининг розили гисиз уларни бошқа талаб этилган мақсадлардан бошқалари учун тақдим этилиши мумкин эмас, ЎҲЁСга жавобни жўнатган давлатнинг ваколатли органининг ёзма розилиги олинган ҳоллар бундан мустасно.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ЎҲЁС процедураси трансмиллий Кибержиноятларни текширишнинг масъулиятили ва муҳим босқичидир. Шу муносабат билан, ваколатли органлардан зарур электрон далилларни олиш учун барча мумкин бўлган ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси конституцияси, қонунлари ва кодекслари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 08.12.1992 й.;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 22.09.1994 й.;
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 22.09.1994 й.;
4. Ўзбекистон Республикасининг ЗРУ137сонли “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатлариiga ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, 25.12.2007 й.;
5. Ўзбекистон Республикасининг 560Псонли “Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, 11.12.2003 й.;
6. Ўзбекистон Республикасининг ЗРУ547сонли “Шахсий маълумотлар тўғри сида»ги Қонуни, 02.07.2019 й.;
7. Ўзбекистон Республикасининг 439Псонли “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 12.12.2002 й.;
8. Ўзбекистон Республикасининг ЗРУ395сонли “Электрон ҳукumat тўғрисида»ги Қонуни, 09.12.2015 й.;
9. Ўзбекистон Республикасининг 1060ХПсонли “Электрон компьютерлар ва маълумотлар базалари учун дастурларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, 06.05.1994 й.;